

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

«БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ



КУРС ИШИ

Мавзу: ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИ
(“ОҚ ОЛТИН” ИЧК мисолида)

Бажарди: БҲ-112 гуруҳ
талабаси Д. Шукуруллаев
Илмий раҳбар: катта
ўқитувчи М.Б. Аннаев

Самарқанд-2015

БХ-112 җууу тлабси мухуруллаев Биа-
морнинг "Иш җрхури укеримлар сиса
ба" мрвзуларини кура шига

ТАҒРИЗ

Кура шиг тсривларини мрвзу
вр берилган топишник асослар брися-
рини. Иш крмни, накинф озо ва
Кулоса киемларини собрат.

Биринчи овози Иш җрхури уш-
лаклар киемларини Нормий асос-
лару батафсини брмчлар.

Иккинчи овози Иш җрхури ушлан-
маларни кием-китоб кием ва
бухалтарилар акс эттириши тртчоз
"Василий" Иш киемлар етармр
огиб берилган.

Кулоса киемлар кура шигни
биги мрвзулар киемни Кулоса
вр тчмлар ушланмаларини.

Иш мрвзуни вр ррмилант.
рини оғини киемлар тиемлар
мервод берган вр киемлар тием
биги.

Прздр: М. ~~Ш~~ А. А. А. А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

бух. ҳисоб ва аудит кафедра

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири Ғафур проф. Уразов К.Б.

2014 й. 12 сентябрь

«Бух. ҳисоб» факультети 3 курс БХ-12 гуруҳи талабаси
Мажидуллоев Ғафур га

КУРС ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИК

1. Курс ишининг мавзуси: Иш ҳақлари ушлари -
маълум ҳисоб (40 баъди) 44 баъди

2. Меъёрий хужжатлар: бух. ҳисоб тизимлари
қонун, БУМСОлар, Молия вазирлиги
таълиқлари, ҳисоб ушлари ҳақида

3. Тавсия этиладиган адабиётлар: Уразов К.Б. Бух. ҳисоб
ва аудит, 1-қисми, 2004. Бобоев О
Мажидуллоев Ғафур, Ғафур
Ғафур, Ғафур

4. Карта, схема, график материаллар рўйхати исловлар
ҳисоблари ва ҳисоблари

5. Курс ишини бажаришнинг асосий босқичлари	Топшириш вақти
1. Кириш	31.12.2014 й
2. I-боб. Иш ҳақлари ушлари ҳисоблари	15.01.2015 й
3. II-боб. Иш ҳақлари ушлари ҳисоблари	25.01.2015 й
4. Ҳисоб ва аудит ҳисоблари	1.02.2015 й

6. Қўшимча кўрсатмалар: Сироткин ва Ғафур
Ғафур

Вазифа берилган сана 2014 й. 12 сентябрь

Курс иши раҳбари: Мажидуллоев М.А.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....3-7

I БОБ. Иш ҳақидан ушланмалар ҳисобининг назарий асослари

1.1 Иш ҳақининг ҳисоб объекти сифатидаги моҳияти, унинг турлари ва ҳисоблаш шакллари.....7-17

1.2 Иш ҳақидан ушланмаларнинг мазмуни, турлари ва ҳисобининг вазифалари.....18-22

II БОБ. Иш ҳақидан ушланадиган мажбурий ва ихтиёрий ушланмалар ҳисоби

2.1. Иш ҳақидан ушланадиган мажбурий ушланмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобга олиш тартиби.....23-27

2.2. Иш ҳақидан ушланадиган ихтиёрий ушланмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобга олиш тартиби.....28-29

Хулоса ва тақлифлар.....30-31

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....32-33

Иловалар

Кириш

Мавзунинг аҳамияти. Хўжалик юрителининг ҳозирги шароитида ишлаб чиқариш корхоналарининг бош вазифаси турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оғишмай ўстириб бориш, миллий даромадни ўстиришдан иборатдир. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоб-китоб ишларининг аниқ ва оператив маълумотлар талаб килувчи энг муҳим ҳамда қийин соҳаларидан биридир. Унда ходимлар сонининг узгариши, иш вақтининг сарфланиши, иш ҳақи фонди, тўлов турлари ва ходимлар тоифаси бўйича ҳамда иш ҳақи фондидан ташқари амалга ошириладиган бошқа тўловлар, корхонанинг ҳар бир ходими билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бу маълумотлар асосида меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимлар сони, иш ҳақи фондининг сарфланиши ва бошқалар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат амалга оширилади.

Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари доираси билан боғлиқ эканлиги. Ушбу курс иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилган.

Курс ишининг услуби ва услубияти. Курс ишида бухгалтерия ҳисобига оид қонунлар, қарорлар, Президент фармонлари ва нутқлари, турли адабиётлар ҳамда бошқа меърий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Иш ҳақи тушунчаси ва иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини назарий жиҳатдан ўрганиш;
- тадқиқот объекти билан танишиш;
- Корхонада иш ҳақидан ушланмалар ҳисобининг юритилишини таҳлил қилиш;
- Корхонада иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини яхшилаш йўллари тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти: Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “ОҚ ОЛТИН” ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг ҳисоб маълумотлари.

“ОҚ ОЛТИН” ишлаб чиқариш корхонаси Пастдарғом туман ҳокимлиги хўжалик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 15 январ 2005 йил №2102 билан рўйхатга олинган.

Ушбу хусусий корхона, Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани Чархин қўрғони Ғ. Ғулом кўчаси 11-уйда яшовчи фуқаро Каримқулов Райимқул томонидан таваккал қилиб мулкӣ жавобгарлик остида қонун ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва даромад олиш мақсадида ташкил этилган.

Корхонанинг фаолият юритишдан мақсади ўз ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятидан даромад(фойда) олиш ҳисобланади.

Корхона ўз мақсадидан келиб чиқиб, фаолиятини қуйдаги турларда олиб боради:

- Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ер ости артизан қудуқларини қазиш, таъмирлаш, сув иншоотлари ва тармоқларини қуриш;
- Қишлоқ, туман ва шаҳарларда савдо умумий овқатланиш шаҳобчаларини вужудга келтириш ва ривожлантириш, аҳолига ўзи ишлаб чиқарган ва фирма ташкилот ва фуқаролардан сотиб олинган озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат молларини сотиш;
- Маиший электр техникаларини созлаш;
- ва бошқалар.

Корхона ташкилий ҳуқуқий асослари

Корхона ўз олдига қуйдаги вазифаларни амалга ошириш учун қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- шартномалар тузиш, олди-сотди операциялари ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликка асосан ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;

- бинолар, иншоотлар, фирмалар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни ижарага бериш ва олиш;
- ишлаб чиқарган маҳсулотларни кўрсатган хизматига бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ёки келишилган ҳолда нарх белгилаш;
- банк кредитларидан фойдаланиш;
- ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш;
- юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа фирмалар ташкил этиш, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Низомида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

Корхонанинг устав фонди 2787371 сўмни ташкил этади.**(1-илова)**

Ишнинг ҳажми ва таркиби:

Тадқиқот кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида тадқиқот ҳақида, унинг мақсади ва вазифалари ва тадқиқот объекти тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.

Асосий қисм икки бобдан ташкил топган. Биринчи бобда тадқиқотнинг назарий асослари ёритилган. Иккинчи боби эса корхона мисолида иш ҳақидан ушланмалар ҳисобининг юритилиши ва унинг таҳлили келтирилган.

Сўнгра корхонада иш ҳақидан ушланмалар ҳисобига хулоса ҳамда бу ҳисобни яхшилаш йўллари келтирилган “Хулоса ва таклифлар” бўлими, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда Иловалардан иборат.

I БОБ. ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Иш ҳақининг ҳисоб объекти сифатидаги моҳияти, унинг турлари ва ҳисоблаш шакллари

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизидида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилган меҳнатига яраша тақдирлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ётади. Ушбу масалаларни ҳал этиш борасида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан инсон меҳнат қилар экан, унинг меҳнати ҳисобини тўғри ташкил этиш ва тўловлар ҳамда ажратмаларни ўз вақтида олиб туришни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорини, шунингдек бошқа қўшимча ҳақ ва устама ҳақларни республика қонунлари асосида мустақил равишда белгилайди.

Иш ҳақи – бу ҳодимга бажарган иши ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган рағбатлантиришнинг миқдори.

Корхона учун ҳисобланган иш ҳақи, бир томондан ҳаражат, иккинчи томондан, тўланиши керак бўлган мажбурият ҳисобланади. Ҳодим учун иш ҳақи унинг ишлаб топган даромади ҳисобланади.

Корхона ва ташкилот ҳодимлари деганда уларни турли асосларда иш билан банд бўлган барча ишловчилар тушунилади. И.ф.д. Профессор К.Б. Уразов ўзининг “Молиявий ҳисоб” китобида ҳодимларни турли белгиларига қараб қуйдагича таснифлаган.¹

Ишлашнинг даврий давомийлигига кўра корхона ва ташкилотларнинг барча ишловчилари доимий, мавсумий ва вақтинчалик асосда ишловчиларга бўлинади.

¹ К.Б. Уразов “Молиявий ҳисоб” Самарқанд 2014

Доимий ишловчилар - бу корхона ва ташкилотларнинг штат жадвалида назарда тутилган лавозимларда меҳнат шартномалари асосида ҳодимлар сифатида ишловчи шахслардир.

Мавсумий ишловчилар – деганда йилнинг у ёки бу мавсумда бажариладиган ишларни бажариш мақсадида меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслардир.

Вақтинчалик ишловчилар – бу маълум бир маротабалик ишни бажариш учун қисқа муддатга (бир кундан ортиқ) меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга вақтинчалик қабул қилинган шахслардир.

Корхона ва ташкилотлар мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига кўра – уларда ишловчи ҳодимлар мулкка эгалик қилувчи ҳодимлар ва ёлланма ҳодимларга бўлинади.

Мулкка эгалик қилувчи ҳодимлар - бу корхонанинг таъсисчи ёки таъсисчиларидан бири сифатида устав капиталида хиссага ва мос равишда унинг фойдасида ўз улушига эга бўлган, бир вақтнинг ўзида шу корхонада маълум лавозимларда ишлаётган шахслардир.

Ёлланма ҳодимлар – бу ишга ёллаш ёки меҳнат шартномаси асосида у ёки бу ишларни шартномада белгиланган миқдор ва шартларда рағбатлантириш шарти билан ишга жалб қилинган шахслардир. Корхона ва ташкилотларда уларнинг мулк эгаси ҳисобланмаган раҳбарларидан тортиб, барча бошқа штатдаги ҳодимлар, фуқаролик-ҳуқуқий ҳарактердаги шартномалар асосида ишга олинган ҳодимлар ёлланма ишловчилар ҳисобланади.

Касб классификаторига кўра корхона ва ташкилотларнинг барча ҳодимлари ва хизматчиларига бўлинади.

Ишчилар - бу бевосита моддий неъматларни яратиш, шунингдек ишлаб чиқариш воситалари ва биноларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш билан банд бўлган шахслардир.

Хизматчилар – бу корхона ва ташкилотларнинг бошқарув аппарати, ишлаб чиқариш ва хўжалик бўлинмаларида штат жадвалида назарда тутилган турли лавозимларда ишловчи шахслардир. Хизматчилар гуруҳига кирувчи ҳодимлар қуйдаги категорияларга бўлинади:

- Раҳбарлар
- Мутахассислар
- Хизматчилар

1-жадвал.

Ходимларни уларга қилинаётган сарф-харажатларни тўғри таснифлаш ва тегишли счётларда акс эттирилишига кўра таснифи

№	Ходимлар тури	Счёт
1	Асосий ишлаб чиқариш ходимлари	2010
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари	2310
3	Умумхўжалик ходимлари	2510
4	Сотиш бўлими ходимлари	9410
5	Маъмурий бошқарув ходимлари	9420
6	Капитал қурилиш ходимлари	0810
7	Конструкторлик бўлими ходимлари	3190

Асосий ишлаб чиқариш ходимлари – булар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимлар. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси бевосита 2010 “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисобга олинади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари – булар ёрдамчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимлар. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси дастлаб 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари” счётига ўтказилади.

Умумхўжалик харажатлари – булар умумишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларидир. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси дастлаб 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётига олиб бориб жамланади, ундан сўнг 2010 “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счётига ўтказилади.

Сотиш бўлими ходимлари – булар тайёр маҳсулот омборлари ва дўконлари ходимлари. Уларга ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси 9410 “Сотиш харажатлари” счётига олиб борилади.

Бошқарув ходимлари – булар бевосита корхонанинг маъмурий-бошқарув органи ходимлари. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 9420 “Бошқарув харажатлари” счётида ҳисобга олинади.

Капитал қурилиш ходимлари – булар бевосита корхонанинг капитал қурилиши ишларини олиб боровчи ходимлари, уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 0810 “Тугалланмаган капитал қурилиш” счётида ҳисобга олинади.

Конструкторлик бўлими ходимлари – булар корхонанинг илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмалари бўлинмалари ходимлари бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари” счётида ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъект ходимларига иш ҳақининг барча турлари бўйича ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар, ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва бошқа тўловлар, шунингдек депонентга ўтказилган иш ҳақи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счётларда ёпилади:

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”;

6720 “Депонентлаштирилган иш ҳақи”.

6710 – “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти кредитида меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблаб ёзишлар, корхона томонидан ходимларга ҳисобланган иш ҳақи қайд этилади, ва ўз навбатида ходимнинг қандай турдаги ишни бажараётганлигига қараб 0810, 2010, 2310, 2510, 3190, 9410, 9420 счётларидан бири дебетланади.

Агар субъектларда иш ҳақининг ҳар хил тури бўйича ҳисоблаб ёзишлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири тури бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритиш тавсия этилади. Бу эса меҳнат ҳақи тўловлари бўйича турли таҳлилий маълумотлар талаб этиладиган, меҳнатга ҳақ тўлаш фондида таалукли бўлган ҳисоботларни тузишни анча осонлаштиради. Масалан:

6711 – “Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган иш ҳақи”;

6712 – “Маъмурият ходимларига ҳисобланган иш ҳақи”.

Қуйидаги чизмада 6710 счётнинг юритилиши кўрсатилган:

Дебет Счётлар кредитига	Кредит Счётлар дебетига
	Сальдо - корхонанинг иш ҳақи бўйича ходимлардан қарзи
6410 - Иш ҳақидан ушланган даромад солиғи суммалари	Маҳсулот тайёрлаган- 2010 лик учун ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш, шу жумладан мукофотлар ва ком-

6520 - Иш ҳақидан нафақа жамғармасига ушланган суммалар	пенсация кўринишидаги тўловлар Ёрдамчи цехлар ходимларига иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш	2310
4890- Иш ҳақини депонентга ўтказиш, ижро варақалари бўйича ушланган суммалар (алиментлар), ушланган касба уюшмаси бадаллари, иш ҳақини жамғарма-банкка ўтказиш	Умумхўжалик билан банд ишчиларга, асосий цехлар бошқаруви ва уларга кирувчи аппаратга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш, шу жумладан мукофотлар	2510
4290 - Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобига берилган маҳсулот учун ушлашлар	Сотиш бўлими ходимларига Маъмурият ходимларига	- 9410, - 9420,
4710-4790 - Кредитга сотилган товарлар, ссуда, моддий зарар, камомад учун ушлашлар	Асосий воситаларни тугатиш билан банд ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш	- 9210
5010- Кассада иш ҳақи, нафақалар, мукофот ва компенсацияларни бериш	Капитал қурилишда ва ускунани монтаж қилишда банд ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш Акциялар бўйича дивиденд ва даромадларни ҳисоблаб ёзиш	- 0810, - 0820 - 8710

1-чизма. 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар"

6720 “Депонентланган иш ҳақи” счётида ходимларнинг олинмаган иш ҳақи бўйича қарзлари акс эттирилади. 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ва 6720 “Депонентланган иш ҳақи” счётлари бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида юритилади.

2-жадвал.

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар (6700)нинг бошқа счётлар билан боғланиши²

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Капитал қўйилмалар соҳасида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	0810-0890	6710
2	ТМЗ ларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди	1010-1120, 2910-2990	6710
3	ТМЗ ларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди (1510 счёти қўлланганда)	1510	6710
4	Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлабчиқариш цехлари, яроксиз маҳсулотни тўғирлаш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ишчиларига меҳнат ҳақи суммаларини ҳисобланди	2010, 2310, 2510, 2610, 2710	6710
5	Маҳсулот сотишда, бошқарув ва бошқа муомалаларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9410-9430	6710
6	Келгуси давр харажатларига киритиладиган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳисобланди (мавсумий тармоқларда ва бошқалар)	3190	6710
7	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнлари бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи	9210	6710
8	Ортиқча тўланган суммалар (меҳнат ҳақи ва ҳоказолар) кассага қайтарилди	5010	6710
9	Табиий офатлар, ёнғинларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9720	6710
10	Ходимларга бир марталик мукофот ҳисобланди	9430	6710
11	Маҳсулот, иш, хизматлар қиймати корхона ишчиларидан ушлаб қолинди	6710	4790
12	Ходимларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланди (меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ҳоказо)	6710	5010
13	Ҳисобдор шахсларнинг қайтармаган бўнак суммалари ушлаб қолинди	6710	4220-4290
14	Акцияларга обуна бўйича мажбуриятлар қопланди	6710	4610
15	Кредитга сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича навбатдаги тўловлар ишчилардан ушлаб қолинди	6710	4710
16	Айбдор ишчиларнинг меҳнат ҳақи суммасидан етказилган моддий зарарлар суммаси ушлаб қолинди	6710	4730

Корхона ва ташкилотларда амалга ошириладиган молиявий муносабатларда ходимлар билан улар меҳнатига ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар муҳим ўрин эгаллайди.

² Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, 21-сон БҲМС

Ходимлар иккита бир-биридан фарқладиган тизим бўйича иш ҳақи олишади.




2-чизма. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари

Тарифли тизим – бу меҳнатга ҳақ тўлашни меҳнатнинг мураккаблиги шартлари, интенсивлиги ва ҳарактерига, шунингдек иғни бажаришнинг табиий иқлимий шароитларига кўра маълум меъёрларга асосланган ҳолда ташкил этишга қаратилган тизим.

Тарифсиз тизим – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг маҳсус меъёрларга асосланмаган тизимидир. Ушбу тизимда ҳодимларга иш берувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, меҳнат шартномасига кўра маълум ставкаси ва сеткаси; тариф коэффициентлари; ишлар ва ишилар касби ҳамда хизматчилар лавозимлари тариф квалификацион справочниклари; иш ҳақиға устамалар ва бошқа қўшимчалар.

Тариф ставкаси – бир бирлик иш вақти учун тўланадиган меҳнат ҳақининг пул шаклидаги меъёрий миқдори.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг иккита тури мавжуд:



3-чизма. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари.

Вақтбай иш ҳақи деганда ходимларга ҳақиқатда ишлаган вақтлари учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади. Ушбу иш ҳақи шаклида ходимга ҳисобланадиган иш ҳақининг миқдори бевосита у ишлаган соатлар ёки кунларнинг сонига, шунингдек штат жадвалига мувофиқ белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. Иш ҳақининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

Оддий вақтбай – ходимга иш ҳақи ҳисоблашиш учун штат жадвалига мувофиқ белгиланган тариф ставкаси ёки лаозими маоши асос қилиб олинади.

Вақтбай мукофотли шакли меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу тури сифат ва миқдор кўрсаткичлари учун мукофот ҳисоблашни назарда тутди. У вақтбай ишлайдиган ишчилар ойлик лавозим маошлари белгаланган хизматчилар иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Мукофот тасдиқланган ва корхонада амал қилаётган мукофотлаш тўғрисидага низом бўйича, ишланган вақт ва лавозим маоши ёки тариф ставкасини назарда тутиб ҳисобланади. Мукофотлаш тўғрисидага низом корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш шартлари ва хусусиятлари татбиқан ишлаб чиқилади ҳамда корхона раҳбари ёки муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Ишбай иш ҳақи деганда ходимларга ҳақиқатда бажарган ишлари учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади. Ушбу иш ҳақи шаклида ходимга ҳисобланадиган иш ҳақининг миқдори бевосита у бажарган ишнинг ҳажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. Иш ҳақининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

Бевосита ишбай шакл – бу ишчиларга бевосита улар томонидан ҳақиқатда бажарилган иш учун унинг ҳажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкасига асосан иш ҳақини ҳисоблаш шакли.

Ишбай-мукофотли шакл ишлаб чиқариш меъёрларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун мукофотлар тўлашни назарда тутди.

Ишбай прогрессив шакл – бу иш ҳақини ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини меъёрий ва меъёрдан ортиқ қисмларга ажратган ҳолда ҳамда меъёрдаги иш ҳажми учун иш ҳақини бевосита ишбай расценкага, меъёрдан ортиқ иш ҳажми учун эса иш ҳақини бевосита ишбай расценкадан каттароқ бўлган табақалаштирилган расценкаларда ҳисоблашга асосланган шакл.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа ўзига ҳос шакллари ҳам қўлланилади. Буларга билвосита ишбай иш ҳақи ва аккорд иш ҳақи шакллари мисол бўлади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг **аккорд** шаклида иш ҳақи унинг тугашининг кўрсатилган муддатларини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишларнинг бутун ҳажмига ҳисобланади. Умумий иш ҳақи бригаданинг ҳар бир аъзоси ишлаган вақт ва бригада аъзосининг тоифасига (тариф ставкасига) мутаносиб равишда тақсимланади. Умумий иш ҳақининг бир қисми, айти бригада ишлаб топган ҳақ ва вақт меҳнатда иштирок этиш коэффициентини (МИК) ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши мумкин.

Меҳнатда иштирок этишнинг ҳақиқий коэффициентини бригаданинг ҳар бир аъзосига бригада кенгаши корхона раҳбари томонидан тасдиқланган баённомани расмийлаштириш йўли билан белгилайди.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг аккорд шаклида МИКдан фойдаланган ҳолда бригада ишчилари ўртасида ишбай меҳнат ҳақининг тақсимланишини кўриб чиқамиз.

Тўрт кишидан иборат бригада 1.320.000 сўмлик аккорд ишини бажарди, шу жумладан иш ҳақи тариф бўйича 1038912 сўмни, ишбай ҳақ 161088 сўмни, мукофот 120 минг сўмни ташкил этган.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли иш ҳақини ходим томонидан ишланган вақт миқдоридан ва бир соат иш учун тариф ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишни назарда тутди.

3-жадвал.

МИКдан фойдаланган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд шаклида иш ҳақини бригада аъзолари ўртасида тақсимлаш

Ф.И. Ш.	№	Касби	Тоифаси	Ишбай тариф ставкаси	Ишланган соат	Тарифли иш ҳақи сўм 2*3	МИК	Келтирилган тарифли иш ҳақи 4*5	Келтирилган коэффициент	Ишбай иш ҳақи, 161088 сўм	Мукофот 120000 сўм	Жами иш ҳақи, сўм
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
A	1	бетончи	III	1400	170	238000	1,1	261800	0,226	36406	27120,0	301525,8
B	2	бетончи	IV	1680	154	258720	1,2	310464	0,268	43172	32160,0	334052,0
C	3	дурадгор	III	1400	154	215600	0,9	194040	0,168	27063	20160,0	262822,5
D	4	дурадгор	IV	2016	162	326592	1,2	391910	0,338	54448	40560,0	421599,7
						1038912		1158214		161088	120000	1320000

Ҳодимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларида уларнинг асосий иш ҳақи муҳим ўрин тутди.

Асосий иш ҳақи - ишланган вақт, бажарилган ишлар миқдори ва сифати учун ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи.

Бундан ташқари ҳодимларга айрим ҳолларда қўшимча иш ҳақи ҳам тўланади.

Қўшимча иш ҳақи - меҳнат бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ишланмаган вақт учун тўловлар: навбатдага таътиллار; эмизикли оналар ишидаги танаффуслар; ўсмирларнинг имтиёзли соатлари; давлат ва жамоат мажбуриятларини


базарганлик учун тўловлар; ишдан бўшатиш пайтида бериладиган нафақалар ва хоказолар киради.

1.2 Иш ҳақидан ушланмаларнинг мазмуни, турлари ва ҳисобининг вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра ҳодимларга корхона ва ташкилотларда ҳисобланган даромадлардан турли ушланмалар амалга оширилади. Ушбу ушланмалар 2 турга, яъни мажбурий ва ихтиёрий ушланмаларга бўлинади.

Мажбурий ушланмалар деганда ҳодимларга ҳисобланган уларнинг даромадларидан қонун ва ижро ҳужжатлари асосида ушланадиган ушланмалар тушунилади.

Ихтиёрий ушланмалар деганда ҳодимларнинг ҳодимларнинг ҳисобланган даромадларидан уларнинг аризасига кўра ушланадиган ушланма ва тўловлар тушунилади.



4-чизма. Иш ҳақидан ушланмаларнинг туркумланиши.

Мажбурий ушланмалар

Мажбурий ушланмалар турлари юқоридаги чизмада келтирилган, бу ушланмаларнинг асосийси – бу даромад солиғидир.

Даромад солиғи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 23 февралда тасдиқланган “Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома асосида ушлаб қолинади.

Ходимлардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш учун иккита кўрсаткич асос қилиб олинади:

- Солиқ солинадиган база;
- Солиқ ставкалари.

Солиқ солинадиган база - ходимнинг Солиқ кодексининг 172-178 моддаларида рўйхати келтирилган жами даромадидан келиб чиқиб, ушбу кодекснинг 179-180 моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Солиқ солинадиган база = 172-178 моддаларда келтирилган даромадлар (–) 178 ва 180 моддалардаги солиқ солишдан озод қилинган даромадлар.

Солиқ ставкаси – бу ходимлар даромадларининг энг кам иш ҳақи (ЭКИХ)нинг каррали миқдорларига қараб табақалаштирилган тарзда белгиланган фоизлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 21 ноябр куни имзолаган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонига кўра, 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб, энг кам иш ҳақи ойига 118 400 сўмни ташкил этади.

Республикамизнинг қонунларига мувофиқ ҳар бир ходим корхона ташкилотлардан оладиган ўз даромадларидан мажбурий суғурта бадалини тўлаши шарт. Ушбу мажбурий суғурта бадали ҳар ойда солиқ агентлари томонидан ходим даромадларидан ушлаб қолинади ва республикамизнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларидан бири бўлган Пенсия фондига ўтказиб берилади.

Мажбурий суғурта бадалини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш учун иккита кўрсаткич асос қилиб олинади:

Мажбурий суғурта бадали амалга ошириладиган база;

Мажбурий суғурта бадали ставкаси.

Мажбурий суғурта бадали – бу ходимларнинг Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадларига нисбатан белгиланган фоиз. Ушбу ставка ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун Президентимиз қарори билан белгиланади. Чунончи, 2015 йил учун мажбурий суғурта бадали ставкаси Президентимизнинг 2014 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015

йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ 7.0 % миқдорида белгиланган.

Мажбурий суғурта бадали суммаси мажбурий суғурта бадали амалга ошириладиган база суммасини мажбурий суғурта бадали ставкасига кўпайтириш орқали топилади:

$$\text{Суғурта бадали базаси} \times \text{мажбурий суғурта ставкаси (7.0\%)} = \text{мажбурий суғурта бадали суммаси}$$

Суд қарорига кўра ушланмалар ҳисобланиши ва ҳисоби

Ишлаётган ҳодимлар даромадларидан суд қарорига кўра етказилган моддий ва маънавий зарарлар, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар амалга оширилиши мумкин.

Оила кодексининг 99-моддасига кўра вояга етмаган болаларга таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун 25 фоизи, икки бола учун 1/3 қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Ҳисобланган алимент суммасига:

Дебет 6710 Кредит 6990;

Тўланган алимент суммасига:

Дебет 6990 Кредит 5010, 5110.

4-жадвал.

Иш ҳақидан ушланмаларнинг счётларда акс эттирилиши.³

Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит	Асос
----------------------	------------	--------	------

³ Уразов К.Б., Аннаев М.Б. «Молиявий ҳисоб» фанидан ўқув услубий мажмуа. СамИСИ, 2013.-113-бет.

		счёт	
Иш ҳақидан ушланмалар:			Ҳисоб-тўлов қайдномалари, буйруқлар, ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар
-Даромад солиғи	6710	6410	
-7.0% лик пенсия фондига ушланма	6710	6520	
-Алиментлар ва жарималар	6710	6990	
-Олинган аванс	6710	4210	
-Касаба ва бошқа уюшмаларга тўловлар	6710	6990	
-Жамғарма счётларга ва бошқа хизматлар учун ушланмалар	6710	6990	
-Кредитга сотилган товарлар учун ушланмалар	6710	4710	
-Олинган қарзлар учун ушланмалар	6710	4720	
-Курсатилган зарарлар учун ушланмалар	6710	4730	
-Сотилган товарлар учун ушланмалар	6710	9020	
-Сотилган тайёр маҳсулотлар учун ушланмалар	6710	9010	
-Сотилган бошқа активлар учун ушланмалар	6710	9210-9220	
-Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун ушланмалар	6710	9030	
-Хизмат сафарига берилган авансларнинг ортиқча суммалари ушланганда	6710	4220	
-Бошқа турли мақсадларда берилган тўловлар ушланганда	6710	4230-4290	

Ихтиёрий ушланмалар

Ҳодимлар даромадидан ихтиёрий ушланмалар барча турлари (аъзолик бадаллари, коммунал хизматлар, олинган қарз ёки кредитлар, тўлов-контракт ҳақлари ва бошқалар) уларнинг аризаларида, шунингдек тузилган шартномаларда кўрсатилган

миқдорларда амалга оширилади. Улар корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган барча ихтиёрий ушланмалар суммасига 21-сон БҲМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

Аъзолик бадаллари, коммунал хизматлар, тўлов-контракт ҳақлари ва бошқа ушланмалар суммасига:

Дебет 6710 Кредит 6990;

Олинган қарз ёки кредитларнинг ушланган суммасига:

Дебет 6710 Кредит 4720.

II БОБ. ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНАДИГАН МАЖБУРИЙ ВА ИХТИЁРИЙ УШЛАНМАЛАР ХИСОБИ

2.1. Иш ҳақидан ушланадиган мажбурий ушланмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобга олиш тартиби

“ОҚ ОЛТИН” ИЧКда (кейинги ўринларда корхона деб ёзилади) иш ҳақини ҳисоблаш тўлов ведомости корхонада аввалдан тайёрлаб қуйилади. Бунинг учун бухгалтерияда ведомостга ходимларнинг исми-шарфи ва бошқа маълумотларни қайд қилинади. Ҳисобот оyi тугаши билан ҳужжатлар асосида иш ҳақи ҳисобланиб, ведомостга ёзилади. 6710-»Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг кредит томони бўйича ёзувлар (яъни ҳисобланган иш ҳақи), сўнг ушбу счётнинг дебити бўйича ёзувлар (яъни ҳамма ушлаб қолишлар ва тўланиши лозим бўлган сумма бўйича графалар) тулдирилади. Саноат ходимларнинг иш ҳақи ҳам харажат элементларидан биридир. Шунинг учун ишчи ва хизматчиларга ҳисобланадиган иш ҳақи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинадиган счётларнинг дебитида акс эттирилиши лозим. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоб олиб бориш учун шу номдаги синтетик счётдан фойдаланилади. Бу счётнинг кредит томонида ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи, дебет томонида ушлаб қолинади ва тўланиши лозим бўлган сумма акс эттирилади. Ҳисоблаган иш ҳақи тегишли харажатлар счётлари ўртасида иш ҳақини тақсимлаш ведомостига мувофиқ тақсимланади. Бу ведомост бухгалтерияда меҳнат ва иш ҳақи бўйича расмилаштирилган бошлангич ҳужжатларга асосланиб тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672 сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонида кўра қуйидагича белгиланади.

2015 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкалари
Энг кам иш ҳақининг 1 баробаригача миқдорда	0
Энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 5 баробаригача миқдорда	Даромад суммасидан 8,5 %
Энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан (+1 сўм) 10 баробаригача миқдорда	5 баравар миқдор солиғи + энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошадиган қисмидан 17 %
Энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	10 баравар миқдор солиғи + энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ошадиган қисмидан 23 %

Ҳисобланган даромад солиғи суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6710 Кредит 6410;

Бюджетга ўтказилган даромад солиғи суммаларига эса:

Дебет 6410 Кредит 5110

дея бухгалтерия ёзуви берилади.

Корхонада қонунчилигимизда белгиланиб қўйилган барча мажбурий ушланмалар амалга оширилмоқда, ва бу қуйидагича амалга оширилмоқда:

Корхона ходими А. Каримқуловга 2014 йил ноябрь ойида 300 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, у шу ойда 25 иш куни ишлаган (**2-илова**). А. Каримқулов иш ҳақидан қуйидаги мажбурий ушланмалар қилинган:

Дастлаб даромад солиғини суммаси ушлаб қолинган:

$$300\,000 \text{ сўм} \times 6.0\% = 18\,000$$

Ушбу амалга оширилган ушланмага қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6710 Кредит 6410.

Ундан сўнг иш ҳақидан Жамғариб бориладиган пенсия фондига 1% лик мажбурий ажратма қилинган:

$$300\,000 \times 1.0\% = 3\,000$$

Ушбу амалга оширилган ушланмага қуйдагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6410 Кредит 6520.

Жамғариб бориладиган 1%лик Пенсия фондига ажратма даромад солиғи ставкаси ичидан ушланишини инобатга оладиган бўлсак ($6.0\% + 1.0\% = 7.0\%$) даромад солиғи энг кам иш ҳақининг беш баробаригача бўлган иш ҳақларидан 7.0% миқдорда, яъни меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқдордан 0.5% кам ушланганлигини кўриш мумкин. Бу қонун ҳужжатларида ва солиқчилигимизда таъқиқланган, ваҳоланки шу даврда даромад солиғи ставкаси энг кам иш ҳақининг беш бараваригача бўлган даромаддан 7.5% ни ташкил этган.

Яна бир мажбурий ушланма тури бу - мажбурий суғурта бадалидир. Ҳисобланган суғурта бадалига

Дебет 6710 Кредит 6520;

Пенсия жамғармасига ўтказилган мажбурий суғурта бадаллари суммасига:

Дебет 6520 Кредит 5110

бухгалтерия ёзувлари берилади.

2014 йил ноябрь ойида мажбурий суғурта бадали ставкаси 6.5% миққдорида бўлган. Мажбурий суғурта бадали суммасини топиш учун ушбу бадал амалга оширилиши керак бўлган база суммасини унинг ставкасига кўпайтириш керак:

$$300\,000 \times 6.5\% = 19\,500$$

Юқоридаги операцияга 21-сон БХМСга мувофик қуйдагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6710 Кредит 6520.

Корхона барча мажбурий ушланмаларни дастлаб ҳисоблаб кейин эса ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб беради.

Суд ижро ҳужжати асосида ҳодим томонидан етказилган зарарлар қуидаги бухгалтерия ёзуви ёрдамида акс эттирилади:

ТМЗлар камомати аниқланган ҳолда:

Дебет 4730 Кредит 9010,9020,9220

Бошқа активлар камомати аниқланган ҳолда:

Дебет 4730 Кредит 9210

Товар-моддий бойликлар ва бошқа активлар камоматининг ҳодим иш ҳақидан ушланган суммасига:

Дебет 6710 Кредит 4730

Бошқа ҳодимларга етказилган маънавий зарар суммасига:

Дебет 4790 Кредит 6990

Етказилган маънавий зарар суммасини ҳодим иш ҳақидан ушланган суммасига:

Дебет 6710 Кредит 4790

Етказилган маънавий зарар суммасини тўлашига:

Дебет 6990 Кредит 5010,5110

Энди ҳисобланган ушланмаларни ўтказиб берилишини кўриб чиқамиз:

05.11.2014 да тўлов топшириқномаси №162 билан бюджетга 2014 йил октябр ойи учун корхона ҳодимларидан ушланган 318 469 сўм даромад солиғи ўтказиб берилган (**3-илова**). Ушбу операцияга қуидагича бухгалтерия ёзуви берамиз:

Дебет 6410 Кредит 5110

Пенсия фондига октябр ойи учун 6.5%лик мажбурий суғурта бадали 05.11.2014 да тўлов топшириқномаси №163 билан 312 000 сўм ва 1% мажбурий пенсия жамғармаси учун 48 000 сўм тўлов топшириқномаси №164 билан ўтказиб берилган (**4-илова**). Бу операцияларга 21-сон БХМСга мувофиқ қуидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6520 Кредит 5110.

Корхонадан 6710 счётдан 6520 счётга 01.01.2014 дан 01.11.2014 гача бўлган давр мобайнида 2 870 556 сўм ҳисобланган.

Корхонадан 6520 счѐт бўйича 01.01.2014 дан 01.11.2014 гача 6.5% иш ҳақидан мажбурий суғурта бадалига жами 2 768 556 сўм Пенсия фондига ўтказиб берилган **(5-илова)**.

2.2. Иш хакидан ушланадиган ихтиёрий ушланмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобга олиш тартиби

Ихтиёрий ушланмалар корхона ишчи ва ҳодимларининг аризасига биноан ушлаб қолинадиган ушланмалар ҳисобланиб улар ихтиёрий ҳарактерга эга. Буларга коммунал хизматлар учун тўловлар, банк кредитларини тўлаш учун ҳақлар, аъзолик бадаллари, тўлов-контракт ҳақлари киради.

Биз тадқиқот олиб бораётган корхонада ихтиёрий ушланмаларнинг “коммунал хизматлар учун” ва “касаба уюшмаси учун” ушланади.

Касаба уюшмасига бадаллар бу – барча ҳодимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ташкилотдир.

6-жадвал.

Корхонада ҳодимлардан ноябр ойи учун қилинган ихтиёрий ушланмалар

№	Ҳодим	Оклад	Мехнат таътилига	Ҳисобланди	Касаба уюшмасига	Бошқа ушланмалар	Тўловга
1	Хисамутдинов Р	200000		200000	1200		171800
2	Турсунов Ф.	200000		200000	1200	20000	151800
3	Саттаров Ҳ.	200000		200000	1200	10000	161800
4	Одилов Ҳ	200000		200000	1200	10000	161800
5	Қобилов З.	200000		200000	1200	20000	151800
6	Раҳмонкулов Х.	200000		200000	1200	10000	161800
7	Элмуродов Ш.	200000		200000	1200		171800
8	Тўхтаев Н.	200000		200000	1200	10000	161800
9	Шомуродов К.	200000		200000	1200	10000	161800
10	Қувондиқов Д.	300000	240 000	540000	3240	20000	443860
11	Каримкулов А.	300000		300000	1800	20000	237700
	Жами	2400000		2640000	15840	130000	2137760

Корхона ишчиси Ф. Турсуновга ноябрь ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, ва ўз аризасига биноан коммунал тўловлар учун 20 000 сўм ва касаба уюшмасига бадал сифатида, ҳисобланган иш ҳақи суммасининг 0.6% миқдорида (1 200 сўм) ихтиёрий ушланмалар қилинган **(2-илова)**.

Ушбу касаба уюшмаси учун ушланмага ҳам бошқа ушланмаларга ҳам бир хил бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6710 Кредит 6990

Агар ушбу суммалар ўтказиб берилса:

Дебет 6990 Кредит 5110

дея бухгалтерия ёзуви берилади.

Корхонада 05.11.2014 йилда касаба уюшмасига тўлов топшириқномаси №165га асосан 28 800 сўм ўтказиб берилган **(6-илова)**. Ушбу суммага қуйдагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6990 Кредит 5110

05.11.2014 да тўлов топшириқномаси №166 га асосан ҳодимлар иш ҳақидан электр энергияси учун ҳисобланган 140 000 сўм Пастдарғом ТЭТга ўтказиб берилди **(7-илова)**. Ушбу операцияга ҳам

Дебет 6990 Кредит 5110 дея бухгалтерия ёзуви берилади.

Табиий газ учун корхонадан 05.11.2014 да тўлов топшириқномаси номер №167 билан ҳодимлар иш ҳақидан ихтиёрий ушланган 70 000 сўм Пастдарғом газ ХГТ филиали ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилган **(8-илова)**.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминловчи энг муҳим омиллар меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳисобини тўғри юритилишидир. Хусусан, Президентимиз И.А. Каримов ўзининг бир қатор қарор ва фармонларида юқоридагиларга ижобий ёндашмоқдалар.

Биз тадқиқот олиб борган “ОҚ ОЛТИН” ИЧК ўз бухгалтерия ҳисобини “1С Бухгалтерия” дастурида юритади.

Биз тадқиқот жараёнида корхонада бухгалтерия ҳисоби юритилишида қатор камчиликларни аниқладик:

- Корхонада иш ҳақидан ушланмалар қилиш жараёнида даромад солиғи ушланиш тартиби меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибга мос келмаган;
- Корхонада иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини олиб боришда бирламчи ҳужжатлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилмаган;
- Корхонада ходимлар меҳнатини ҳисобга олувчи табельдан фойдаланилмаслиги;
- Корхонада ҳисоб сиёсати ҳеч бир даврда юритилмаган.

Агарда ушбу камчиликларни корхона раҳбарияти ва бухгалтерлари тўғри ёндашган ҳолда кўриб чиқиб уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқса, ўйлаймизки корхона фаолияти келажакда молиявий жиҳатдан барқарор корхоналар қаторидан ўрин олади.

Тадқиқот натижаси сифатида “ОҚ ОЛТИН” ИЧКда иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

- Иш ҳақидан ушланмаларни амалга ошириш жараёнида аниқликка эътибор қаратиш;
- Иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини юритилиши жараёнида бирламчи ҳужжатларни тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш;

- Корхонада ходимлар меҳнатини ҳисобга олувчи табельлар тузилиши ва юритилиши;
- Корхонада ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиши ва унинг юритилиши.

Агарда ушбу таклифлар корхона раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, буларни тузатиш борасида чора-тадбирлар қилинса, корхона келажакда иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналар қаторидан ўрин олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т: Ўзбекистон, 2010.—10 б.
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун. 1996 йил 30 август.
3. 21-сон БХМС “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси—Тошкент. 2007 йил 25 декабр
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги 4672-сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.нинг 2014 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарори
7. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз—кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўзбекистон овози. 2013 йил 19 январ.
8. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.” – Ўзбекистон 2010.
9. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
10. Абдуллаев Р.А. “Бухгалтерский учет и аудит” -Т.:Иқтисод-молия, 2010.
11. Бобожонов О., Жуманиёзов К. «Молиявий ҳисоб» Т.: “Молия”, 2002.

12. Гадоев Э.Ф., Хасанов Н.Х., Югай Л.П. “Бухгалтерский учет в вопросах и ответах”- Ташкент: Изд. дом «Мир экономики и права», 1996.
13. Гуломова Ф.Г. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма” Т.: “НОРМА”, 2009.
14. Завалишина И. А. “Налоги : теория и практика” - Т.: “Мир экономики и права”, 2004 год.
15. Кожин В.Я. «Бухгалтерский учет и налоговый учет: управления прибылью». - М.: Изд. «Экзамен», 2005
16. Наумова Н.В., Жарикова Л.А. “Учет труда и заработной платы” Учебное пособие. – Издательство ТГТУ, Тамбов 2007
17. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б. “Молиявий ҳисоб” маърузалар курси, Самарқанд 2014
18. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисобива аудит” Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004
19. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” маърузалар курси. Самарқанд 2014
20. Швецакая В.М., Головкин Н.А. “Бухгалтерский учет” Учебник. – Издательско-торговая корпорация “Дашков и К°”, Москва 2008.

Интернет сайтлари

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.bilim.uz>
4. <http://www.soliq.uz>
5. <http://www.12news.uz>
6. <http://www.bukh.ru>